Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

№75 (424)
2020 йил 25 сентябрь, жума
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz



## ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 сентябрь куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодиётнинг ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашнинг катта манбаи. Шу боис мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Президентнинг фармон ва қарорлари қабул қилиниб, барча зарур шароитлар яратиб берилди. Энди ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ишни тўғри ташкил этиб, янги корхоналар очилиши, уларнинг яшовчанлиги, маҳсулотлари ҳажми, яратилган иш ўринлари бўйича натижа қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизими жорий этилган эди. Шунга мувофиқ, биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилди. Таҳлиллар асосида улардаги тадбиркорлик ривожи ҳолати «яхши», «ўрта» ва «қониқарсиз» ҳудудларга ажратилди. Хусусан, 48 та туман ва шаҳардаги ҳолат «яхши», 119 тасида «ўрта» ҳамда 33 тасида «қониқарсиз» деб топилган.

Видеоселектор йиғилишида ушбу таҳлиллар асосида жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган ҳудудларга кўмаклашиш чоралари муҳокама қилинди.

Иқтисодий комплексга кирувчи вазирлик ва муассасалар «тадбиркорга хизмат қилувчи» ташкилотга айланиши зарурлиги таъкидланди. «Қониқарсиз» деб баҳоланган туман ва шаҳарларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, «яхши» ҳудудларнинг тажрибасини оммалаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Мисол учун, Самарқанд туманида ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми 1,1 триллион сўмни ташкил этиб, аҳоли жон бошига 4,5 миллион сўмдан тўғри келган. Бу Самарқанд вилоятидаги энг юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, 508 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, янги иш ўринларининг 71 фоизи кичик бизнесда очилган. Маҳаллий бюджет тушумлари сўнгги уч йилда 2 баравар ортган.

Шунингдек, Қамаши туманида сўнгги уч йилда 802 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, ишламаётган 132 та корхона қайта тикланган. Экспорт ҳажми ўтган йилгига нисбатан 1,5 баробар ошган.

Аксинча, Нукус, Тахиатош, Шуманай, Балиқчи, Жалақудуқ, Марҳамат, Жондор, Шофиркон, Бахмал, Мирзачўл, Нишон, Касби, Конимех, Томди, Мингбулоқ, Янгиқўрғон, Қўшработ, Пайариқ, Пахтачи, Сардоба, Ховос, Музработ, Қумқўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Қўштепа, Фурқат, Ёзёвон, Хонқа, Шовот, Учтепа, Юнусобод туманларидаги аҳвол қониқарсиз. Аслида уларда ҳам етарлича салоҳият ва инфратузилма бор.

Масалан, Қумқўрғон тумани тадбиркорлик кўрсаткичлари бўйича Сурхондарё вилоятида энг охирги ўринлардан бирида. Лекин у ерда 124 минг гектар яйлов ва 48 минг гектар фойдаланишдан чиққан ер бор. Улардан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмаган.

Бекобод туманида ҳам кичик бизнес улуши республикадаги энг сўнгги ўринлардан бирида. Туманда йилига 36 минг тонна пахта, 100 минг тонна дон етиштирилса-да, қайта ишланмайди.

Мутасаддиларга «қониқарсиз» деб баҳоланган туманларда муҳандислик коммуникацияларини яхшилаб, кичик саноат зонаси ташкил этиш, яйловларда чорвачилик, қоракўлчилик, йилқичиликни ривожлантириш, чегараолди савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Яхши кўрсаткичларга эришган туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари маошига 30 фоиз устама тайинланиб, аҳвол қониқарсиз бўлган ҳудудлар раҳбарларига жарима қўлланиши айтиб ўтилди.

– Одамларимиз турмушини яхшилашга ҳаракат қилмаган раҳбар бир кун ҳам ишламайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

«Қониқарсиз» ҳамда «ўрта» деб баҳоланган туман ва шаҳарларда инқирозга қарши бошқарув тизими жорий этилиши белгиланди. Яъни, уларга раҳбарлик қилиш истагини билдирган ҳар қандай талабгор ҳудудни ривожлантириш дастурини маҳаллий кенгашларда ҳимоя қилиши мумкин. Халқ вакилларини ишонтира олган салоҳиятли кишилар бутун жамоаси билан туманга раҳбар этиб тайинланади.

– Ҳокимларни халқ сайлаши керак. Шу кунларга барибир келамиз, – дея таъкидлади Президент.

Йиғилишда янги корхоналар ташкил этиш, борларини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 8 ойида 60 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари фаолият бошлади. Уларнинг ҳар бири ўртача 38 миллион сўм солиқ тушумини таъминлаб, камида 2 тадан иш ўрни яратмоқда. Лекин 31 мингдан зиёд корхона фаолияти ҳалигача тикланмаган. Ўз бизнесини очиш ҳаракатидаги инсонлар ҳам жуда кўп.

Савдо-саноат палатаси раҳбарлари ва Бизнес-омбудсман жойларга чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга халақит бераётган муаммоларни ҳал этиши, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиши кераклиги таъкидланди.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш, банклар томонидан маблағ берилган, лекин хомашё, энергия ресурси ёки логистика каби сабабларга кўра тўхтаб қолган лойиҳаларни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Тижорат банклари тадбиркорларнинг бизнесдаги натижаларига қараб уларга «имтиёзли хизматлар пакети»ни таклиф қилиши муҳимлиги айтилди.

Маълумки, кичик бизнес ва маҳаллий ресурс солиқлари тўлиқ ҳудудлар ихтиёрида қолдирилмоқда. Яъни, ҳудудларнинг бюджет барқарорлиги, ривожланиши тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Масалан, Конимех туманида маҳаллий бюджетга солиқ тушумлари жорий йилнинг 8 ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 141 фоизга ошган. Пандемия даврида молиявий қийинчиликка дуч келган 20 та корхонага солиқ таътили берилиши натижасида 100 та иш ўрни сақлаб қолинган.

Давлат солиқ қўмитасига барча вилоятларда ишни шундай ташкил этиб, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш юзасидан кўрсатма берилди.

Йиғилишда бу йил кутилаётган бюджет тақчиллигини имкон қадар қисқартириш учун қўшимча тушумларни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини таҳлил қилиб, қўшимча даромадларни аниқлаш, бюджет ташкилотларининг пуллик хизматлардан даромадларини кўпайтириш ва бино-иншоотларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

Охирги 4 йилда бизнесни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар натижасида кўплаб кичик корхоналар фаолияти кенгайган. Давлатимиз раҳбари бундай интилишларни рағбатлантириш, корхоналарни йириклашишга ундайдиган қулай муҳит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзларни табақалаштириш керак. Ўрта бизнес тоифасига кириши мумкин бўлган корхонани аниқлаб, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан мақсадли маблағлар ажратиш, маҳсулотини сертификатлаш, илм ва инновация харажатларини қисман қоплаб бериш каби чоралар орқали уларга кўмаклашиш муҳимлиги айтилди.

Видеоселектор йиғилишида сўзга чиққан ҳокимлар тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча захираларни ишга солишга доир режаларини баён қилди.

**ЎзА.**



## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари қад ростламоқда.**

Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш, бунёдкорлик ишларига малакали қурувчилар, лойиҳачилар, барча техникалар ва малакали кадрлар билан таъминланган барқарор қурилиш ташкилотларини жалб этишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Ана шу вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолияти нечоғли аҳамиятли экани табиий.

Соҳани ривожлантириш борасида тажриба орттириш, ишларнинг натижакорлигини таъминлаш хорижлик мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишда назоратни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-4586-сонли қарорида халқаро молия институтлари ва ташкилотларини ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, давлат органларининг самарасиз ва ортиқча функцияларини бекор қилиш, шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида ушбу жараёнга хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни назарда тутган ҳолда, қурилиш устидан назорат механизмлари самарадорлигини янада ошириш бўйича ишларни амалга ошириш белгиланганди.

*(Давоми 2-бетда)*

## Ишлаб чиқариш кўлами янада ортади

**Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб бориши натижасида мазкур ишларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишида қурилиш материалларига бўлган талаб юқори. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, янги турдаги, энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида республикамизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.**

Анжуманда қайд этилганидек, 200 дан ортиқ йирик саноат корхоналарини жамлаган уюшма томонидан ҳозирда хорижий инвесторларни кенг жалб қилиб, кўплаб йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг самарасида янги турдаги, энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, соҳага инновация кенг жалб қилинмоқда. Уюшма таркибидаги корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-август ойларида жами 4,8 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 108,8 фоизга етган. Эндиликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 22,0 трлн сўмга етказиш ва ўсиш суръатини 2019 йилга нисбатан 110 фоизга ошириб, 9 450 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб хорижий инвестициялар ва кредит линиялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилди. 2020 йил Инвестиция дастурига киритилган 122 та лойиҳа бўйича 698 млн АҚШ доллари, шундан хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 552 млн АҚШ доллари ўзлаштирилди.

*(Давоми 4-бетда)*



Реклама

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қайд этилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида Туркия Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилишни назорат қилиш бошқармаси мутасаддилари иштирокида семинар ташкил этилди. Семинарни ўтказишдан асосий мақсад Туркиянинг қурилишда сифатни таъминлашдаги тажрибаси асосида Ўзбекистонда қурилиш соҳасида назорат тизимини янада ривожлантириш, бу борада учраётган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш, шунинг асносида икки мамлакат соҳа вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат.



# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА



Ўзаро самимий ва очиқ руҳда ўтган дастлабки учрашув чоғида Қурилиш вазири ўринбосари – Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи Козим Тўлаганов меҳмонларни ташриф билан қутлади.

Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби қурилишда ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилаётганини билдирар экан, турли ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, таълим, тиббиёт, спорт муассасалари, турар жойлар, шунингдек, маъмурий ва маиший иншоотлар замонавий қиёфада давлат бюджети маблағлари ҳамда хусусий шериклик асосида ва ёки тадбиркорларнинг қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 35 мингдан ортиқ турли иншоотларда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини кенг жорий этиш, объектларнинг электрон паспортини ривожлантириш, энг муҳими биноларнинг сифатли ва мукаммал қурилишига катта эътибор қаратилиб, ушбу тизим синов тариқасида Тошкент шаҳри ва вилоятида амалиётга жорий қилингани, бу борада давлатнинг катта молиявий сармояси сарф этилаётганини хорижлик ҳамкорларга маълум қилди.

**Соҳанинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Туркияда веб-сайт ишга туширилган бўлиб, унда лойиҳадан тортиб то бинонинг қурилиши якунига қадар бўлган жараёнларнинг барчаси намоён этиб борилади**

– 1966 йилда Ўзбекистонда юз берган кучли зилзила кўплаб объектлар, аҳоли турар жойларига талафот келтирган, – деди Козим Тўлаганов. – Шу сабабли юртимизда зилзилабардош иморатларни барпо этишга алоҳида аҳамият берилади. Айниқса, қурилиш учун ер майдонларининг танланишини, объектларнинг жойлашуви, уларнинг асосий пойдеворидан тортиб, том ёпишгача бўлган босқичлари, ҳатто ишлатиладиган қурилиш материалларининг сифати доимий равишда назорат қилиб борилади. Қурилиш соҳасида эришилаётган ютуқлар баробарида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳам мавжуд, уларни босқичма-босқич бартараф этиш чора-тадбирлари ҳукумат даражасида кўрилмоқда. Туркиялик қурувчилар билан ўзбекистонлик соҳа ходимлари кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келади. Бундан кейин ҳам турк бунёдкорларининг иш тажрибасини кенг қўллаган ҳолда мамлакатимизда қурилиш сифатини янада оширишни ният қилганмиз. Албатта келгусида соҳада меҳнат қилаётган мутахассис ходимларимизни Туркияда малака ошириб, ўзаро фикр ва тажриба алмашиб келишлари тарафдоримиз.

Маълумки, бетон қоришмаси қурилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ушбу қурилиш материалининг сифатли бўлиши барпо этилаётган иншоотнинг мустаҳкамлиги ва мукаммаллигининг кафолати ҳисобланади. Семинар доирасида туркиялик мутахассислар иштирокида Инспекция ҳузуридаги лабораторияда ҳам бўлиб, у ерда қурилиш материалларининг таркиби, жумладан бетон қоришмаларининг ишлаб чиқарилиши борасида ўзаро фикр ва тажриба алмашишга муваффақ бўлинди. Меҳмонларнинг маълум қилишича, Туркия қурилиш тажрибасида асосий эътибор бетонларнинг сифатига қаратилади. Шу сабабли ҳар бир қурилиш объектида лабораториялар ташкил этилган бўлиб, бу ерда мутахассислар иштирокида бетон қуйиш жараёнлари, мазкур қурилиш материалининг таркиби, унинг сифати ва яроқлилик муддатлари қатъий назорат қилиб борилади. Эътиборли жиҳати, бу йўналишдаги барча жараёнлар инсон фактори асосида эмас, балки замонавий АКТ орқали амалга оширилади. Яъни, қурилиш майдонларида бино учун заурур бўладиган бетон маҳсулотини келтириш, уни қуйиш, маҳсулот миқдори, таркиби, сифати барчаси электронлаштирилган тизим, яъни чиплар орқали шаффоф тарзда айнан махсус қурилмалар ёрдамида кузатиб бориш имконияти яратилган. Энг муҳими, инсонларнинг иштирокисиз, автоматлаштирилган тартибда бу жараёнларни бошқариш бирламчи вазифага айланган.

– Соҳанинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Туркияда веб-сайт ишга туширилган бўлиб, унда лойиҳадан тортиб то бинонинг қурилиши якунига қадар бўлган жараёнларнинг барчаси намоён этиб борилади, – дейди Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот маркази бўлими етакчи мутахассиси Ҳикматилла Маҳмудов. – Борди-ю, масалан, Анқарада қуриб битказилган иншоот лойиҳадан фарқли ўлароқ 3 сантиметр паст ҳолатда қад кўтарган бўлса, бунда буюртмачи тегишли ҳокимият органига онлайн ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Мурожаат ўрганиб чиқилади ва лойиҳа билан солиштирилади. Арз асосли бўлса, қурилиш ташкилотига қатъий чора кўрилади ва ёхуд ушбу иншоотнинг қайтадан бунёд этиш шарти илгари сурилади. Бу каби камчиликлар учун компаниянинг бир йил давомидаги фаолияти тўхтатилади. Агар камчиликлар ўта жиддий бўлса, бу иш жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин. Қурилиш объектларнинг сифатли ва мукаммал бўлишида албатта унинг дастлабки пойдевори алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам Туркияда бетон қуйиш ишлари қурилиш майдонларининг ўзида амалга оширилади. Бу ерда бетонларнинг сифати ва таркибини аниқлаштирувчи 500 тадан ортиқ махсус лабораториялар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга катта тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилган.

Семинар давомида меҳмонлар Тошкент вилоятида жойлашган Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг махсус лабораториясида ҳам бўлишди. Бу ерда бетонларнинг ишлаб чиқарилиши, уларнинг таҳлили ва қурилиш майдонларига етказиб берилиши борасида тажриба алмашилди. Ўз ўрнида туркиялик мутасаддилар айнан бетон қоришмасининг сифатли, жаҳон стандартларига мос равишда қуйиш жараёнларининг автоматлаштирилган тизими билан ўртоқлашдилар. Туркия Республикаси бетон қуйиш борасида Европада биринчи, дунё мамлакатлари орасида эса бешинчи ўринни эгаллайди. Замонавий технологияларнинг илғор ютуқларни қўллашга катта эътибор қаратган ҳолда, айнан бетон қуйишнинг барча жараёнларини онлайн равишда кузатиб бориш имконияти Туркияда жуда юқори эканини таъкидлаган ҳолда, бу қурилиш соҳасининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

– Туркия Республикаси қурилиш соҳасида етакчи давлат ҳисобланади. У ердаги кўплаб қурилиш компания ва ташкилотлари томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовор, – дейди Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Даврон Султонов. – Шу маънода 2 кун давомида туркиялик ҳамкасбларимиз иштирокида қурилиш назоратини янги босқичга олиб чиқиш, тизимга инновацион технологияларни жалб этиш борасида ўзаро фикр ва тажриба алмашдик. Ўз ўрнида янгича ғоя ва ташаббусларни кенг қўллаган ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва қурилиш назорати тизимидаги янгиликлардан бохабар этдик. Жумладан, анжуман давомида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими ва унинг қулайликлари, соҳани коррупциядан ҳоли этишга хизмат қилишининг муҳим омиллари борасида тақдимотлар ўтказдик.

Самимий руҳда бўлиб ўтган семинар якунида икки давлат ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Айтиш мумкинки, бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар келгусида Ўзбекистон ва Туркия Республикасининг қурилиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга замин яратиши баробарида, тармоқ ривожланишида янги уфқларни очишга асос бўлиб, манфаатли алоқаларнинг изчил давом эттирилишига хизмат қилади.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ – АСОСИЙ МЕЗОН

## объектларда давлат қурилиш назорати қандай амалга оширилади?

**Мамлакатимизда қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Назорат ҳар жабҳада керак. Аммо архитектура ва қурилиш соҳасида бу тушунча сув ва ҳаводек зарур. Маълумотларга кўра, қурилиш соҳасини назорат қилувчи инспекциялар томонидан 2016 йилда 20 863 та, 2017 йилда 32 257 та ва 2018 йилда жами 36 938 та объектга қурилиш-монтаж ишлари учун рухсатнома берилиб, назорат ишлари амалга оширилган. Бу эса йилдан-йилга қурилиш объектлари сони ортиб бораётганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент тасдиқланган.

Унга кўра, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда объектнинг мустаҳкамлиги, хавфсизлиги, сифати, зилзилабардошлиги ва фойдаланишда ишончлилигини таъминлаш бўйича мажбурий талаблар белгиланган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан давлат қурилиш назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади

– Мазкур меъёрий ҳужжат билан Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекцияларининг мансабдор шахслари – инспекторларининг объект қурилиши бўйича давлат қурилиш назоратини амалга оширишда асосий вазифалари белгилаб берилди, – дейди инспекция мутахассиси Муҳаммаджон Мўминжонов. – Шунингдек, давлат қурилиш назоратини амалга оширишда ҳудудий инспекцияларни хабардор қилган ва хабардор қилмасдан олиб борилган қурилиш объектларини назорат қилиш тартиблари ҳам кўрсатиб ўтилди. Яъни республика ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарнома юбориш талаб этиладиган қурилиш ва реконструкция объектлари давлат томонидан мажбурий тартибда давлат қурилиш назоратига олинади.

## ХОЛИСЛИК ВА ШАФФОФЛИК

Албатта, текширув жараёни холислик ва шаффофлик билан ўтсагина ҳақиқий назорат дея эътироф этилиши мумкин. Давлат қурилиш назорати қонунийлик, холислик, ошкоралик, шаффофлик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаслик принципларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

– Давлат қурилиш назорати субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда қуйидаги турларига бўлинади, – дейди Муҳаммаджон Мўминжонов. – Биринчиси, ҳудудий инспекциялар рўйхатдан ўтмаган объектларда қисқа муддатли инспекторлик назорати – белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади. Иккинчиси, ҳудудий инспекцияларда давлат қурилиш назорати – ваколатли органни хабардор қилмаган ҳолда тўсқинликларсиз объектларнинг мураккаблик тоифалари таснифига асосан танлаб, назорат қилинади.

Учинчиси, архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя этилиши юзасидан амалга ошириладиган давлат қурилиши текширувдан ўтказилади.

Қурилиш назоратини амалга ошириш буюртмачининг объект қурилиши ёки реконструкциясини бошлашга рухсат олиш учун Давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилишидан бошланади. ДХМ эса аризани тегишлилиги бўйича ҳудудий инспекцияга юборади. Ҳудудий инспекция бир иш куни мобайнида аризани рўйхатдан ўтказиб, объектга мутасадди инспекторни бириктиради. Инспектор қурилиш ёки реконструкция ҳудудига чиқиб, жараённи ўрганади ҳамда бино қисмини техник кўрикдан ўтказиш бўйича буюртмачига ёзма кўрсатма беради. Ушбу мутахассис уч иш куни давомида объектда тизимли давлат қурилиш назоратини амалга ошириш ишларини белгиланган тартибда иш режасига киритгач, назоратни ўрнатади. Текширув давомида натижаларни пудратчининг иш юритиш дафтарига киритиб боради. Агар у объект қурилиши ёки реконструкция ишларида белгиланган меъёрларнинг бузилиш ҳолатларини аниқласа, камчиликларни бартараф қилиш бўйича ёзма кўрсатма расмийлаштиради ва назорат ўтказилгандан сўнг бир иш кунида пудратчига тақдим этади.




## МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТ НИМА?

Қарорда акс этган маъмурий регламентда давлат қурилиш назорати, инспекторлик текширувлари, қурилиш босқичи, хавф, шаҳарсозлик объектлари, қурилиши тугалланмаган объект, қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар каби асосий тушунчалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, унда ҳудудий инспекциялар рўйхатидан ўтган объектларда назорат функциялари ваколатли органни хабардор қилмаган ҳолда ҳеч қандай тўсқинликларсиз объектларнинг мураккаблик тоифалари таснифига асосан назорат ишларини олиб бориш, инспекция ва ҳудудий инспекциялар архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан давлат назорат функцияларини қай тартибда амалга ошириш, назорат жараёни келтирилган.



– Қурилиш-монтаж ишларида давлат назоратини амалга ошириш Россия ва Беларусь тажрибасидан, давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби қурилиш объектларининг хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда белгиланди, – дейди Муҳаммаджон Мўминжонов. – Инспекция ваколатига лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш киритилди. Шунингдек, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилди. Бир сўз билан маъмурий регламентни инспекциянинг ишлаш тартиби, – дейиш мумкин. Тўғри, илгари ҳам регламент тушунчаси амалда бор эди. Лекин ушбу янги қарор билан қурилишда давлат назоратининг ўрни ва аҳамияти янада мустаҳкамланди, назоратни қай тартибда ўтказиш бўйича кичик деталларгача пухта ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этилди. Бу эса объектларнинг замон талабларига мос равишда қурилишига замин яратади.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**«Янги Ўзбекистон» мухбири.**

*(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2020 йил 23 сентябрь сонидан).*

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймати (сўм ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1 | Мирзо Улуғбек тумани Хуросон кўчасини жорий таъмирлаш | 1 659 538 443 | 45 кун |

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-«а» уй.

**Молиялаштириш манбаи:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф, (оферта) очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-«а» уй.

# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

## по строительству подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-428 от 07.07.2020 г. «О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития (Фаза-1) Заем № УЗБ-983

## № тендерных торгов КФР-2019-06

1. Республика Узбекистан подписала заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения.

**Срок строительства составляет** – 6 (шесть) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в Тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организация тендерных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Кашкадарьинская область |
|---|
| **Адрес:** г. Карши, ул. Узбекистанская, 60 «а».<br>**Телефон:** (75) 223-18-80.<br>**Факс:** (75) 223-19-11. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками путем представления письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Кашкадарьинская область |
|---|
| **Банк:** Каршинский филиал АТБ «Узсаноаткурилишбанк»<br>**Р/с:** 2021 0000 9038 2371 1001<br>**ИНН:** 202 453 632 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:** по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Кашкадарьинской области |
|---|
| **Адрес:** город Карши, площадь Мустакиллик, 1.<br>**Телефон:** (75) 221-02-38.<br>**Факс:** (75) 221-11-10. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность сетей водоснабжения | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Работы по строительству сетей водоснабжения, выполненные за последние 3 года (п.м.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 200 000 000,0 | 450 000 000,0 | 900,0 | 100,0 | 600,0 |
| 2 км | 1 000 000 000,0 | 400 000 000,0 | 900 000 000,0 | 1 800,0 | 200,0 | 1 200,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 350 000 000,0 | 2 700,0 | 300,0 | 1 800,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 800 000 000,0 | 3 600,0 | 400,0 | 2 400,0 |
| 5 км | 2 500 000 000,0 | 1 000 000 000,0 | 2 250 000 000,0 | 4 500,0 | 500,0 | 3 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2019-06 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

## проводимых в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития

### ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № Лота | Район | Массив | Протяжённость сетей водоснабжения (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Кашкадарьинской области** | | | **4,236 км,** резервуар 45 шт, башня 2 шт | |
| КФР-69 | Китабский, Шахрисабзский | Янгиобод, Шаматон, Духчи | 2,0 км, башня 2 шт | 26 октября 2020 года, 11.00 |
| КФР-70 | Яккабагский, | Айгиркул, Айгиркул-1, Савбулок, Яшнабад | 0,186 км, резервуар 21 шт | 26 октября 2020 года, 11.00 |
| КФР-71 | Касанский, Миришкарский, Мубарекский | Пахтазор, Гулистан, Джейнау, Курувчилар | 1,060 км, резервуар 24 шт | 26 октября 2020 года, 11.00 |
| КФР-72 | Касбинский, Нишанский, Каршинский | Хужа - Касби, Талимарджан, Богобод | 0,990 км | 26 октября 2020 года, 11.00 |

# «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ акциядорлари диққатига!

2020 йил 29 сентябрь куни, соат 9.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, «Сариқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг маъмурий биносида «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг 2019 йил якунларига бағишланган навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2020 йил 23 сентябрь ҳолатига тузилади,

### Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибида қуйидаги масалалар кўрилади:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг миқдори ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. 2019 молия-хўжалик йили якунлари ва 2020 йилги бизнес-режанинг ижроси тўғрисида жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
4. 2019 йил якуни бўйича «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ Кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2019 йил якуни бўйича «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
6. 2019 йил якуни бўйича «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш.
7. 2019 йил якуни бўйича «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
8. 2019 йил якуни бўйича «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг соф фойдасини тақсимлаш.
9. «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ бошқаруви раиси билан тузилган ишга ёллаш шартномасини бир йилга узайтиришни тасдиқлаш.
10. 2020 йилга «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ Кузатув кенгашини сайлаш.
11. 2020 йилга «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ Тафтиш комиссиясини сайлаш.
12. 2020 йил учун тузилган бизнес-режани тасдиқлаш.
13. «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказувчи аудиторлик идораси ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.
14. «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва ички аудиторига тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.

**Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан жамият бухгалтериясида танишиш мумкин (97) 314-97-90).**

**E-mail:** aomubareknqr@umail.uz

**Эслатма:** ўзингиз билан паспорт, вакил қилинганлар учун эса паспорт ва нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

### «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖнинг 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

| № | Кўрсаткич номи | Счёт | Актив |
|---|---|---|---|
| 1. | Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати | 010 | 4 635 435 |
| 2. | Асосий воситаларнинг эскириши | 011 | 2 020 410 |
| 3. | Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати | 012 | 2 615 025 |
| 4. | Қимматли қоғозлар | 040 | 10 840 |
| 5. | Капитал қўйилмалар | 100 | 0 |
| 6. | Ишлаб чиқариш захиралари | 150 | 195 314 |
| 7. | Тугалланмаган ишлаб чиқариш | 160 | 0 |
| 8. | Тайёр маҳсулот | 170 | 0 |
| 9. | Келгуси давр харажатлари | 190 | 2 243 |
| 10. | Дебиторлар | 210 | 205 411 |
| 11. | Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари | 340 | 0 |
| | **Актив бўйича жами:** | | **3 028 833** |
| **№** | **Кўрсаткич номи** | **Счёт** | **Пассив** |
| 1. | Устав жамғармаси | 410 | 581 036 |
| 2. | Қўшилган капитал | 420 | 0 |
| 3. | Захира капитали | 430 | 1 124 822 |
| 4. | Тақсимланмаган фойда | 450 | 749 482 |
| 5. | Мақсадли тушумлар | 460 | 18 174 |
| 6. | Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами | 490 | 0 |
| 7. | Кредиторлар | 600 | 555 319 |
| | Пассив бўйича жами: | | 3 028 833 |

| № | Молиявий натижалар | Счёт | Даромадлар | Харажатлар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Махсулот ва товарларни сотишдан соф тушум | 010 | 725 410 | |
| 2. | Сотилган маҳсулот (товар) ларнинг таннархи | 020 | | 410 103 |
| 3. | Маҳсулот ва товарларни сотишнинг ялпи фойдаси | 030 | 315 307 | |
| 4. | Давр харажатлари, жами | 040 | | 332 307 |
| 5. | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 090 | 48 734 | |
| 6. | Дивидендлар шаклидаги даромадлар | 110 | 234 | |
| 7. | Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси | 220 | 31 968 | |
| 8. | Даромад (фойда) солиғи тўлангунгача фойда | 240 | 31 968 | |
| 9. | Даромад (фойда) солиғи | 250 | | 6 128 |
| 10. | Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар | 260 | | |
| 11. | Ҳисобот даврининг соф фойдаси | 270 | 25 840 | |

**Йиғилиш ўтказиладиган манзил:** Муборак тумани саноат майдонида жойлашган «Нефть ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» АЖ маъмурий биноси.

Баланс кўрсаткичлари ва молиявий натижалар «NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT» МЧЖШ аудиторлик ташкилоти (аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 1 апрелда берилган 00750-сонли лецинзиясига эга) томонидан берилган.

**Кузатув кенгаши.**

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Мўйноқ 4-кўчаси, 15-«а» уйда жойлашган Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Капитал қурилиш бошқармаси балансидаги 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 01 330 JAA, ранги оқ, **бошланғич баҳоси** – 30 404 717 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 27 октябрь куни, соат 11.30 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади.

Талабгорлар билан закалат шартномаларини тузиш, буюртманомаларни, закалат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача амалга оширилади. Буюртманомаларни ва закалат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш 2020 йил 26 октябрь куни, соат 17.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар закалат шартномасини тузиш учун савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

**Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379. Закалат тўлови амалга оширилгач, тўлов ҳужжатининг нусхаси ва буюртманома савдо ташкилотчисига топширилади.

Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 1 (бир) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида сотувчи (мулк эгаси) билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Шунингдек, кўрсатилган ахборот-консалтинг хизматлари учун тўлов олинади.

Автотранспорт воситаси дастлабки савдоларда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари мулк сотилгунга қадар ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари, соат 11.30 да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар учун талабгорлар билан закалат шартномаларини тузиш, закалат тўловлари ва буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин, соат 17.00 да тўхтатилади.

Сотилиб, кейин савдо натижалари бекор бўлган ҳолларда мазкур автотранспорт воситасининг савдолари кейинги савдо кунларида ташкил қилинади.

Ҳурматли талабгорлар! Аукционда талабгор шахсан ўзи ёки ишончнома асосида унинг вакили қатнашади, нархлар эркин шаклланади ҳамда сотиб олиш тўловлари сотувчининг ҳисоб рақамига банк орқали тўланади.

**«Аукциондан автомашина олиб бераман» деган шубҳали шахсларга алданиб қолманг!**

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** (71) 236-74-67.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# Ишлаб чиқариш кўлами янада ортади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, Фарғона туманида «Фарғона Ясин қурилиш моллари» хорижий корхонасида 80 млн АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига йилига 800 минг тонна цемент, «Ekokerama» МЧЖда 7 млн АҚШ долларига тенг инвестиция ҳисобига йилига 300 минг дона санитар-техник буюмлар, Жиззах вилоятида «Huaxin Cement Jizzakh» хорижий корхонасида 150 млн АҚШ долларилик хорижий инвестиция ҳисобига йилига 1,2 млн тонна цемент, Қорақалпоғистон Республикасида «Дайпласт Нукус» жамиятида 7,8 млн АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига 100 минг тонна гидратланган оҳак, Бухоро вилоятида «Бухоро Гипсум» жамиятида 10 млн АҚШ доллари инвестицияси ҳисобига йилига 10 млн квадрат метр гипсокартон, Тошкент вилоятида «Мегаблок Инвестмент» жамияти 5 млн АҚШ доллари ҳисобига йилига 200 минг куб метр газобетон блоклари каби ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Ўтган йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулотлар таннархи таҳлил қилиниб, уларни асоссиз оширмаслик чоралари кўрилди. Цемент, пишиқ ғишт ва оҳак ишлаб чиқарувчи корхоналарни муқобил ёқилғи тури – кўмирга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ва ижроси бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий давлатларга ташрифи давомида кўплаб йўналишларда давлатлараро халқаро келишувларга эришилмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси, Хитой, Туркия, Германия, Франция, Беларус Республика ва Жанубий Корея давлатларига амалга оширилган ташрифлар доирасида 2017-2020 йилларда замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида илғор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 2 298,7 млн АҚШ долларилик 44 та меморандум ва келишувлар имзоланган. Шулардан бугунги кунга келиб, 425,5 млн АҚШ долларилик 20 та лойиҳа амалга оширилди.

Президентимизнинг 2019 йил 23 майдаги қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси қошидаги Илмий-техникавий кенгаш тузилиб, МДФ плиталар, модификацияланган серобетон, юқори сифатли цемент клинкерлари, поливинилхлорид буюмлар, шунингдек, базальт, залошлак ва техноген чиқиндилардан замонавий қурилиш материаллари технологиялари яратилмоқда. 2019-2020 йилларда 10 та йўналиш бўйича 42 та инновацион лойиҳалар доирасида Кенгашда кўриб чиқиш учун аризалар топширилган.

Давлат дастурлари доирасида қурилиш материаллари йўналишида амалий тадқиқот лойиҳалари ҳам амалга оширилаётгани хусусида журналистларга маълумот берилди. Жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи янги авлод полимер-минерал комплекс қўшимчали энергия ва ресурс тежамкор иссиқлик изоляцияси материаллари енгил ва ячейкали бетонлар технологиясини яратиш ва тадқиқ этиш борасида Тошкент архитектура-қурилиш институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан изчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Булардан ташқари, иссиқлик тутувчи ўрта қатлами қишлоқ хўжалиги чиқиндилари асосидаги паст мустаҳкамликдаги бетондан тайёрланган уч қатламли темир-бетон элементларнинг мустаҳкамлик, ёриқбардошлилик ва деформатик хусусиятларини ҳисоблаш усулини яратиш борасидаги изланишлар бўйича ҳам ҳамкорлик давом этмоқда.

Матбуот анжумани якунида ОАВ ходимларининг соҳага доир саволларига мутасаддилардан атрофлича жавоб олдилар.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Юқори технологияли турар жой комплекси барпо этилади



**Мамлакатимиздаги Murad Buildings қурилиш компанияси Қозоғистоннинг BI Group девелопер компанияси билан ҳамкорликда NRG қўшма корхонасига асос солди. Тошкент шаҳри Миробод туманидаги «NRG Oybek» турар жойи янги компаниянинг илк инвестициявий лойиҳаси бўлади.**

Лойиҳа яратувчиларининг фикрича, «NRG Oybek» пойтахтимиздаги дастлабки юқори технологияли турар жой бўлиши лозим. Унинг қурилишида менежментнинг илғор услубларини жорий этиш, маълумотларни қайта ишлаш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва режалаштиришда янги қурилиш материаллари ва рақамли ишланмалардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилади. Барпо этилаётган турар жой комплекси бўлғуси эгалари учун чексиз имкониятларни тақдим этади. Ушбу мажмуада истиқомат қилувчилар ўз хонадонларини масофадан туриб бошқариш имконига эга бўлади. Бунинг учун «ақлли уй» ва «ақлли таъмирлаш» технологияларидан фойдаланилади.

Бугунги кунда Тошкентда «ақлли уй» тизимини ўрнатиш хизматларини тақдим этувчи компаниялар мавжуд. Айни дамда пойтахтимиздаги атиги бир фоиздан кам хонадонлар мазкур дастурий-аппарат комплексига эга. «NRG Oybek» турар жой мажмуасидаги ҳар бир хонадонда «ақлли уй» тизими ўрнатилади. Унда ҳаракат, сув ва газ сизиб чиқишини ўлчайдиган, чироқ ва бошқа харажатларни бошқарадиган қурилмалар бўлади. Мажмуа ҳудудига киришда шахсларнинг юзи ва автомобиллар рақамларини аниқлайдиган тизим ўрнатилади. Шу тариқа фақат шахсий маълумотлари ушбу тизимга киритилган шахсларгина бу ерга кира олади, холос. Автомобиллар учун «ақлли тураргоҳ» мажмуада истиқомат қилувчиларга унинг автомобили турадиган жойни кўрсатувчи чироқли сигналлар бўлади. «NRG Oybek» HP бошқарув панеллари билан таъминланган мамлакатимиздаги илк турар жой мажмуаси бўлади.

Шунингдек, «ақлли таъмирлаш» тизимининг жорий этилиши ҳам бу ерда қўлланиладиган янгиликлардан биридир. У уяли алоқа телефонидан фойдаланган ҳолда хонадондаги таъмирлаш ишларига буюртма бериш имконини беради. Бунинг учун таъмирлаш ишининг йўналишини белгилаш ва хоналар дизайнини танлаш етарли.

– Қозоғистонлик шеригимиз девелопментдаги инновацион ёндашув, жараёнларни рақамлаштириш бўйича бой тажриба ва йирик инвестициялар билан Ўзбекистон бозорига кириб келмоқда, – дейди Murad Buildings компаниясининг раҳбари Мурод Назаров. – Компанияларимиз ҳамкорликда олиб борадиган саъй-ҳаракатлар уй-жой қуриш ҳажмини ошириш, истеъмолчилар учун сифатни яхшилаш ва нархларни туширишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

NRG корхонаси «NRG Oybek» мажмуаси қурилишига 33 миллион доллар миқдорида сармоя киритмоқда. Бу маблағлар қарийб 60 минг квадрат метрли уй-жой қурилиши учун сарфланади. Мажмуанинг қурилиш ишлари 2021 йил август ойида якунланиши кутилмоқда.

– Ишонаманки, компанияларимиз ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам ноёб, илғор лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради, – дейди BI Group компанияси директорлар кенгаши раиси Айдин Рахимбаев. – Бизнинг бу борадаги имкониятларимиз, экспертизамиз ва тўплаган тажрибамиз қўшма компания муваффақиятга эришиши учун жуда яхши асосдир. BI Group юксак корпоратив стандартлар ва илғор технологик ечимларни олиб киради. Murad Buildings эса Ўзбекистон бозори, йўлга қўйилган ишбилармонлик алоқалари, ишончли етказиб берувчилар доираси ва бизнес-жараёнларни англашга ёрдам беради. Вазифамиз фақат уйлар қуришдан иборат эмас, бизнинг ёндашувимиз – хонадон эгаларининг ҳаётини янги даражага кўтарадиган чуқур ўйланган экотизимни яратишни кўзда тутади. NRG компанияси Тошкентдаги лойиҳаларни амалга оширишдан ташқари, мамлакатнинг турли вилоятларида ҳам янги инвестициявий лойиҳаларни ишга туширишни режалаштирмоқда.

Айдин Рахимбаевнинг сўзларига кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистонда қурилиш бозори бетартиб тарзда шаклланган. Бозорга кириш учун йўлга қўйилмаган таомиллар, виждонсиз қурувчилар учун маълум бир тўсиқлар ҳамда унинг иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик қилиш қоидалари ҳам мавжуд эмас. Ҳа, мамлакатда бошқарув органи мавжуд. Бу – ҳокимият бўлиб, у қурилиш учун рухсатнома беради. Бироқ бу у қадар самарали эмас. Қозоғистон ушбу муаммоли босқичдан ўтиб бўлди. Ўшанда мамлакатимизда бир кунлик ишлайдиган, зарур маблағи, тажрибаси ва мутахассисларига эга бўлмаган қурилиш фирмалари кўп эди. Бу ҳақиқий тартибсизликни юзага келтирди, кўплаб қурилишлар тўхтаб қолди, ҳиссадорлар эса ҳеч нарсасиз қолиб кетди. BI Group ва Murad Buildings компаниялари «NRG Oybek» қурилишидан сўнг ҳамкорликнинг кейинги босқичида Ўзбекистондаги қурилиш бозорини анча тартибга солишга йўналтирилган янги тузилма яратишни режалаштирмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**


«ТЕЛЕФОН ДОВЕРИЯ»
территориальной Инспекции по контролю в сфере строительства Ташкентской области
71-241-40-25
Прием обращений физических и юридических лиц , поступающих по «Телефону доверия» 71-241-40-25, осуществляется с 9.00 до 13.00 и с 14.00 до 18.00 с понедельника по пятницу (за исключением праздничных дней) ответственным работником.

## Қисқа сатрларда

Нурафшон шаҳридаги «Smart City» мажлислар залида «Nurafshon Smart City» лойиҳасининг Бош режаси бўйича қурилиш ишларини бошлаш юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

«Ақлли шаҳар» концепцияси бўйича Нурафшон шаҳрида қад ростлаши режалаштирилган маъмурий бинолар, замонавий турар жой мажмуалари, бизнес марказлари ва меҳмонхоналар каби бир қатор объектлар бўйича баҳс-мунозаралар олиб борилди.

Тошкент вилоятининг 4 та туманини ичимлик сув билан таъминлашга мўлжалланган яна бир йирик иншоот Қибрай туманида қурилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг 1-фазаси лойиҳаси доирасида барпо этилаётган «Қодирия» қишлоқ ҳудудий сув иншооти вилоят аҳолисига тоза ичимлик сув етказиб беришга мўлжалланган.

Бекобод туманида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги Бекобод тумани бўлими кўмаги билан Ж. Мирзабоев 50 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағларини олиб мактабгача таълим ташкилоти, Ж. Матбалиев эса 200 миллион сўмлик кредит сармоялари эвазига ҳудудда сунъий қопламали футбол майдончасини бунёд этиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

«Ангрен кўмир кони» филиалида учта янги линия ишга тушгани корхона учун фойдали бўлди. Натижада ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун тошни турли ўлчамларда майдалаб, саралаб етказиб бериш йўлга қўйилди. Бир кеча-кундузда 350-400 кубометр тошни қайта ишлаш қувватига эга мазкур мажмуа жиҳозлари Тоғ-кон ускуналарини таъмирлаш заводи филиалида тайёрланди ва монтаж қилинди.

Корхона шу пайтгача қурилиш-таъмирлаш ишлари учун мўлжалланган тошни бир ўлчамда майдалаб етказиб берарди. Эндиликда имкониятлар кенгайиб, мазкур бўлим кон ички автомобиль ва темир йўллари қурилиши учун ойига ўртача 10 минг тонна қайта ишланган тош етказиб беришни режалаштирган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Иштихон яқин йилларгача фақат аграр соҳа билан чекланиб қолган туманлардан бири ҳисобланар эди.**

# БУНЁДКОРЛИК режаларининг рўёби



Президентимиз ташаббуси билан олға сурилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли бугун ушбу воҳада барча тармоқларда кўзга кўринадиган ютуқларга эришилаётганини яққол сезиш мумкин. Иштихонликлар саноат, қурилишни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини модернизациялашга, айниқса катта эътибор қаратяптилар. Натижада туманда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, ишлаб чиқариш салоҳияти тобора ошиб бораётир.



– Қурилиш, ободонлаштириш ва қурилишбоп материаллар тайёрлаш борасидаги муваффақиятлар ҳақида тўлқинланиб гапириш мумкин, – дейди туман ҳокимлиги қурилиш бўлими бошлиғи, туман бош меъмори Аслиддин Муродов. – Айни пайтда гўшанинг қайси бурчагига борманг, яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари авж олгани устидан чиқасиз. Инвестиция дастурига киритилган ижтимоий соҳа объектлари дейсизми, Президентимизнинг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйичами ёки йўл, газ, электр, ичимлик суви ва канализация тизимидаги кенг кўламли юмушлардан кўнгил таскин топиши шубҳасиз.

Муҳими, бу тадбирлар кўлами белгиланган режага мувофиқ йилдан-йилга кенгайиб бораётгани барчани қувонтирмоқда. Масалан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар мақтовга сазовордир. Туман харитасида янги пайдо бўлган Шейхларкент массивини бемалол шаҳарчага қиёслаш мумкин. Бу ердаги бир-биридан кўркам кўп қаватли уйлар, ижтимоий-маданий иншоотларни кўрган одамнинг ҳаваси ортади. Жорий йилда массивда иккита 4 қаватли, 48 хонали иморат қад ростламоқда. Лойиҳа қиймати 7 миллиард 447 миллион сўмдан иборат объектларни тендерда ғолиб чиққан жамоалар «Иштихон тараққиёт қурилиш» (раҳбари Ҳамза Қодиров) МЧЖ ва «Зойир мансур» (Абдуҳолиқ Умиров) ХК қурувчилари жадал суръатда бунёд этяптилар. Асосан меҳнат мигрантлари, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга ажратилиши мўлжалланган хонадонлар энг замонавий, энергия тежамкор материаллар асосида қурилаётгани эътиборга сазовор.

Айтиш жоизки, туманда бу йил 6 та объектни инвестиция дастурига биноан жорий ва мукаммал таъмирлашга жиддий аҳамият қаратилган. Бундан ташқари, манзилли дастур бўйича умумфойдаланувдаги 35 километр йўл қайта таъмирланмоқда. Иштихон шаҳрига кирувчи ва шаҳар ичидаги кўчалар эса шаҳарсозлик талабларига мувофиқ таъмирланиб, замонавий қиёфа акс этмоқда. Табиий газ, электр ва ичимлик сув таъминоти бўйича ҳам катта ҳажмдаги ишлар бошлаб юборилган.

Яна бир фикр. Туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида хусусий тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар «Мен Ватанга нима бердим?» шиорига амал қилиб, имкон борича шу юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишяпти. Мисол учун, Баҳрин маҳалласида яшовчи Раҳим Боитов оилавий корхонага асос солиб, қурилиш-пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ғафур Ғулом маҳалласидаги ишбилармон Ихтиёр Бахтиёровнинг хайр-саховати ҳаммасидан ошиб тушди. У ўз жамғармаси ҳисобидан 180 ўринли замонавий муҳташам бинони қуриб, маҳалладошларининг фарзандлари учун таълим муассасаси сифатида совға қилди.



– «Келажак» номини олган нодавлат мактабгача таълим ташкилотимизда кичкинтойларнинг ўйнаб-яйраб, камолга етишлари учун барча шароитлар яратилган, – дейди тажрибали педагог Матлуба Райимова. – Айни пайтда 20 нафар мутахассис иш билан таъминланиб, ўзининг севган касби билан шуғулланаётганидан мамнун.

Хуллас, Иштихон тараққиёт сари дадил одимламоқда. Пахтакору-соҳибкорлар маскани эндиликда индустрияси ривожланган туманлар сафига қўшиляпти. Ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик режалари келгусида янада авж олдирилишига шак-шубҳа йўқ.

**Суратларда:** иштихонликларнинг жўшқин меҳнат фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдусами Ҳақбердиев
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-953.
2136 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 00.00. Топширилди – 00.35.
1 2 3 4 5 6